O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

№45 (697) 2008 йил, 31 октябрь, жума

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

30 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси А.Козлов тақдим этди. Қонун лойиҳаси суғурталовчиларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириши тартибини белгилаб беради. Моддама-модда муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси депутатлар томонидан киритилган таклиф ва тузатишларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Ш.Каримов «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Қонун лойиҳаси барча юридик ва жисмоний шахсларнинг риоя этиши шарт бўлган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар – техник регламентлар ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш йўли билан инсон ҳаёти ва соғлиғининг, юридик ва жисмоний шахслар молмулкининг хавфсизлигини таъминлашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, шунингдек, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга, савдодаги техник тўсиқларга барҳам беришга, истеъмолчиларнинг маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги масаласида чалғишига олиб келадиган хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган. Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамасида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар ушбу ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш орқали соҳадаги жаҳон стандартларига тўла-тўкис мос келадиган техник тартибга солишнинг ягона давлат тизими вужудга келтирилишини таъкидлаб ўтдилар. Киритилган таклифлар ва билдирилган мулоҳазаларни ҳисобга олиб, депутатлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда маъқулладилар ва масъул қўмитага уни учинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказишни топширдилар.

(Давоми 2-бетда).

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да жорий йилнинг 27 октябрида иш бошлаган Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси давом этмоқда. У Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрдаги «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилмоқда.

Мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад – ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни равнақ топтириш, хўжалик юритувчи субъектларга ишлаб чиқаришни мувофиқлаштиришда ҳамкорлар топиш, корхоналарнинг таёрлаган маҳсулотларини сотиш бўйича шартномалар имзолашга кўмаклашишдан иборат. Ташкил этилган ярмарка ва биржада бу гал мамлакатимиздаги уч юздан ортиқ компания ва корхоналар иштирок этмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, истиқлол йилларида мамлакатимизда нефть-газ, машинасозлик, электр техника, кимё, металлургия каби соҳаларда ўнлаб йирик саноат корхоналари барпо этилди. Бундан ташқари, юқори технологиялар асосида полиэтилен, сиқилган ва суюлтирилган газ, эгилувчан темир йўл шпаллари ва кабель маҳсулотлари, кўплаб турдаги эҳтиёт ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги мамлакат иқтисодиётининг тараққиёт сари юз тутганидан далолат.

Ярмарка «Ўзэкспомарказ»нинг павильонлари ва очиқ намойиш майдонларида қарийб 7 минг квадрат метр жойни эгаллайди. Унинг стендлари ишлаб чиқариш секторлари бўйича тақсимлангани кутилганидан ҳам яхши натижаларни бераяпти.

– Ярмарка ва биржа намунали тарзда ташкил этилган, – дейди Қибрай туманидаги "AZIYA" илмий ишлаб чиқариш корхонаси бўлими бошлиғи Эркин Самадов. – Бунда иштирок этиш орқали маҳсулотларимизни сотиш учун шартномалар тузиш, янги ҳамкорлар топишга эришдик.

Форумда Халқ таълими вазирлиги, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, "Ўздонмаҳсулот" ва "Ўзбекенгилсаноат" давлат акционерлик компаниялари, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", "Ўзгўштсутсаноат" ва "Ўзбекчармпойабзали" уюшмалари тизимидаги корхоналар маҳсулотларининг ҳам тақдимоти бўлиб ўтди.

Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси 1 ноябрга қадар давом этади. Унда иштирокчилар ҳамда бу ерга ташриф буюрганлар техник ва технологик имкониятлар билан яқиндан танишиб, ўзаро тажриба алмашишади. Бу эса ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектларга янги техника ва технологияларни ўрнатиш, зарур хомашё, материал ва бутловчи қисмларни сотиш ёки сотиб олиш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузишга шарт-шароит яратиб беради.

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ, "Адолат" мухбири.
Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

Хабарлар

ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида "An CHIN INVEST" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади.

20 нафар киши меҳнат қилаётган корхонада асосан қишки буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Хусусан, қиш мавсуми яқинлашаётгани туфайли ҳозир корхонада эркаклар ва болаларбоп чарм этик ва этикчалар тайёрланмоқда. Муҳими, бу маҳсулотлар харидорларга манзур бўлаётир.

ХОРАЗМДА КЎПРИК ҚУРИЛМОҚДА

Эни 24 метрли мазкур йирик иншоотнинг узунлиги бир километрдан зиёд. У вилоят маркази — Урганч шаҳрига яқин Чолиш манзилгоҳи ва Қорақалпоғистоннинг Беруний шаҳри яқинида бунёд этилмоқда.

Бунёдкорлик ишларида 14- ва 67-кўприк қурилиш отрядлари ҳамда "Хоразмтранс" пудратчи ташкилотининг 300 нафардан зиёд кўприксозлари меҳнат қилишмоқда.

Иншоотни 2010 йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

- Тошкент шаҳрида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ишларини янада такомиллаштиришга бағишланган янги лойиҳанинг тақдимоти бўлиб ўтди.
- Самарқанд шаҳридаги Меҳрибонлик уйларида "Сен ёлғиз эмассан" республика жамоатчилик болалар жамғармаси иштирокида хайрия тадбирлари ўтказилди.
- Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 30 сентябрдаги қарорига мувофиқ ўтказиладиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқолари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига қизғин ҳозирлик бошлаб юборилди.

Ўз мухбирларимиз.

Муносабат

МАҚСАД – АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШ

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди. Соҳада бозор тамойилларига мос, мазмун ва моҳияти жиҳатидан олдинги шаклларидан тамомила фарқ қилувчи хўжалик юритишнинг янги шакли – фермер хўжаликлари жорий этилди ва у қисқа фурсатдаёқ тармоқдаги иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг асосий омилига айланди.

Бинобарин, мамлакатимизда бугунги кунда 220 мингдан зиёд фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларда қарийб 1,4 миллион киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг куч-ғайрати билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш суръатлари йилдан-йилга ўсмоқда. Масалан, 2008 йилнинг биринчи ярим йиллигида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш 5,4 фоизга ўсди. 2007 йилда етиштирилган пахта ҳосилининг қарийб 90 фоизи ва бошоқли дон экинларининг 80 фоизга яқини фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди.

Фермерлик ҳаракати ривожи билан бирга тармоқ ишлаб чиқаришида транспорт хизмати, маҳсулотларни қадоқлаш, жойлаш ва экспорт қилиш сифати ҳам ортди. Натижада қўшимча иш ўринлари яратилиши йўли билан аҳоли бандлиги муаммолари босқичма-босқич барҳам топа бошлади.

Президентимиз томонидан шу йил 20 октябрда қабул қилинган "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон шубҳасиз, мамлакатимизда қишлоқ аҳолиси фаровонлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади.

У республикамиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш, экспорт қилинадиган маҳсулот турларини кенгайтириш, қишлоқ аҳолиси даромади ва фаровонлигини оширишдек эзгу мақсадга қаратилган. Фармонга асосан, пахта экиладиган далаларни камайтириб, бошоқли дон экинлари учун мўлжалланган майдонлар қарийб 50 минг гектарга кўпайтирилади ва сабзавот, мойли ўсимликлар ҳамда бошқа озиқ-овқат экинлари экиладиган ерлар кенгайтирилади.

(Давоми 2-бетда).

БУГУНГИ СОНДА:

ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ
фаолиятида бошланғич партия ташкилотларининг ўрни бўлиши лозим — 2-бетда

ШИМОЛИЙ КОРЕЯ ПРЕЗИДЕНТИ
нега кўринмай қолди? — 3-бетда

ЎЗБЕК КУРАШИ
халқаро спорт майдонларига дадил кириб бормоқда — 4-бетда

Фракция йиғилиши

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаб, ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда фракция аъзолари Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган «Амнистия актини қўллаш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишди.

– Амнистия актини қўллаш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг «Суднинг ваколатлари» деб номланган 29-моддаси «прокурорнинг амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш ёхуд маҳкумни жазодан озод қилиш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш» жумласи билан тўлдирилмоқда. Шу муносабат билан прокурорнинг ваколатларига ҳам қўшимчалар киритилаётир, – деди мазкур лойиҳа юзасидан маъруза қилган Қуйи палатанинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Собир Жабборов. – Хусусан, прокурорга амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳуқуқи берилмоқда.

Депутатлар қонун лойиҳасини концептуал нуқтаи назардан кўриб чиққандан сўнг лойиҳа юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

(Давоми 2-бетда).

Партия ҳаёти

ОРАМИЗДА ЯШАЁТГАН ЭЗГУЛИК

туфайли қувалик Меҳринисо Маъмурованинг ожиз кўзларига нур инди

Иккинчи мақола

Одамга берилган сифатлар ичида энг яхшиси – меҳр! Айниқса, таъма илашмаган бу туйғу важҳидан амалга ошган ҳар қандай тадбир савобга дохил. Бундай меҳрдан самар кўрган кишининг қалбида ана шу амални қилган инсон тоабад муҳрланиб қолади. Аммо у сизга бутунлай бегона, у сизни, сиз уни танимайдиган нотаниш биров бўлиши мумкин. Муҳими, у ким бўлишидан қатъи назар, ўзгага яхшилик қилишга, меҳр кўргазишга, қалбларда муҳаббат уйғота олишга қодир ИНСОН!

Шукрки, бундай кишилар орамизда кўп, уларнинг борлиги боис ҳам қалбларимизда яшаётган эзгуликнинг умри боқий. Бир мисол, қувалик Меҳринисо дардманд эди. Ёруғ оламни кўз билан кўриб, идрок этмоққа орзуманд қалби эзгин, шифо излаб бирор тадбир қилмоққа дасти калта эди. Унинг бу ожиз ҳолидан хабар топган "Адолат" СДП Қува тумани Кенгаши раиси Шоҳиста Мамажонова Фарғона шаҳридаги "Уржуза" клиникасининг кўз касалликлари шифокори Баҳодир Холбеков билан кенгашиб кўрди. Шифокор беморни тиббий кўрикдан ўтказгач, зудлик билан операция қилиш зарурлигини айтди.

Шоҳиста Мамажонова имкон қидириб айрим дасти узунларга бу ҳақда гап очиб кўрди. Бироқ... Ёрдамга муҳтож бир кишининг ташвиши билан елиб-югураётганидан хабар топган "Адолат" СДП Фарғона вилояти Кенгаши раиси Наримон Шодиев Шоҳистанинг жонига оро кирди.

– Ижтимоий ҳимоя нафақат партиямиз дастурининг, балки давлатимиз сиёсатининг бош мезони. Ёрдамга муҳтож кишига кўмак беришни ўйлаб яхши қилибсиз, энди бу хайрли ишни охирига биргаликда етказамиз, – деди у.

Шундан сўнг вилоят партия Кенгаши томонидан "Уржуза" клиникаси ҳисобига Меҳринисонинг даволаниши учун зарур бўладиган маблағ ўтказиб берилди. Бундан ташқари, Меҳринисо Маъмурованинг оиласига ҳам имкон қадар моддий ёрдам кўрсатилди. Борди-ю, бу ёғини Меҳринисонинг ўзидан эшитсангиз, ожиз кўзларига нур кириб, яхшилар кўмагида шифо топган бу аёлнинг қалби шукроналикка тўлалигининг гувоҳи бўласиз.

– Ёруғ оламни кўрмоқдан бебаҳра эдим. Шоҳиста Мамажонова, Баҳодир Холбеков ва Наримон Шодиев сингари меҳрибон кишиларнинг кўмаги билан шифо топдим. Уларнинг бу яхшилигини тоабад қалбимда сақлайман, – дейди у.

Ҳа, эзгулик қалбларда ана шундай мангу яшайди.

Сайёд ОЛИМ, "Адолат" мухбири.

«ОБУНА – 2009»: «Адолат» доимий ҳамроҳингиз бўлсин! Нашр индекси — 100.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

«Амнистия актини қўллаш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари С.Жабборов тақдим этди. Қонун лойиҳаси ишни судга қадар юритиш ва жиноий жазоларни ўташ босқичида амнистия қўллаш тартибини процессуал регламентлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Шу муносабат билан Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодексларига, шунингдек, «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади. Муҳокама жараёнида киритилган таклиф ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар мазкур қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Қонунчилик палатаси томонидан Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси Т.Шайманов тақдим этган «Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг узоқ муддатли яхши қўшничилиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисидаги Шартномани (Бишкек, 2007 йил 16 август) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Билдирилган фикрлар ҳисобга олинган ҳолда мазкур Қонун қабул қилинди ва маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

«Ўзбекистон Республикасининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протоколга (Нью-Йорк, 1989 йил 15 декабрь) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси А.Раҳимов тақдим этди. Бўлиб ўтган муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди. Мазкур Қонун маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2005–2007 йиллар ва 2008 йилнинг 10 ойи давомидаги фаолияти ҳақида»ги ҳисобот билан мазкур қўмита раиси А.Зиё сўзга чиқди. Қўмита томонидан фан, таълим, маданият ва спорт соҳасида ислоҳотлар ўтказишнинг ҳуқуқий базасини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, қабул қилинган қонунларнинг ижроси устидан назорат қилиш борасида муайян иш амалга оширилганлиги таъкидланди. Шу билан бирга қўмита ишида рўёбга чиқарилмаган имкониятлар аниқланди. Қўмитага қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини ошириш, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан мониторинг юритиш бўйича ишларни кучайтириш, аҳолига қабул қилинаётган қонунларнинг мақсад ва аҳамиятини, йўл қўйилаётган қонунбузарликларнинг оқибатларини тушунтириш ҳамда бундай қонунбузарликлар бўйича кўрилган чоралар ҳақидаги маълумотларни жамоатчилик ва тегишли ташкилотлар эътиборига етказиш борасидаги ишларни фаоллаштириш топширилди. Бунда Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган жамиятимизни демократлаштириш ва эркинлаштириш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш борасидаги ишларни янада кенгайтириш стратегик дастурини ҳуқуқий жиҳатдан ўз вақтида ва мукаммал таъминлаш ҳозирги кунда парламент олдида турган асосий вазифа эканлиги таъкидланди. Ҳисобот муҳокамасининг якунига кўра депутатлар тегишли қарор қабул қилдилар.

(ЎзА).

МАҚСАД – АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Барчамизга маълум, сўнгги йилларда юз берган сув танқислиги пахта етиштиришда бир қадар мураккаб муаммолар туғдирди ва пахта ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатди. Бу йил суғориладиган ерларнинг сув билан ўртача таъминланиш даражаси белгиланган норманинг атиги 75 фоизини ташкил этди. Ушбу ҳолат ўз-ўзидан барча вилоят ва туманларда етиштирилган пахта ҳосилдорлигини камайтирди. Шу нуқтаи назардан, бундай вазиятда экин майдонларидан фойдаланишни оптималлаштиришга қаратилган мазкур Фармон қишлоқда тадбиркорлик билан шуғулланиб, ўз оиласи ва бошқаларни иш билан таъминлаб келаётган фермерларга катта имконият беради. Уларнинг озиқ-овқат экинлари экаётган майдонлари кенгайиб маҳсулот етиштириш хажми ортади.

Айни пайтда бутун дунёда озиқ-овқат таъминоти хавфсизлиги муаммоси вужудга келганлиги ҳамда дунё миқёсида дон нархи 2006 йилга нисбатан ўртача икки баравар, сабзавот маҳсулотлари нархи эса икки баравардан ҳам кўпроқ ошганлигини инобатга оладиган бўлсак, Президентимизнинг мазкур Фармони аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашга, уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини етарли даражада қондиришга қаратилган муҳим ҳужжат эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

"Адолат" социал-демократик партияси дастурида, партия давлатимиз томонидан қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларни, фермер ва деҳқон хўжаликлари ривожини ижтимоий қўллаб-қувватлаши ва бу ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этиши алоҳида таъкидланган. Шундай экан, мазкур Фармоннинг мазмунмоҳиятини, жойларда фуқаролар, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари жамоалари, айниқса, партия электорати ҳамда аҳоли орасида партия фаоллари ва маҳаллий кенгаш депутатлари билан ҳамкорликда кенг тарғиб қилиш зарур. Чунончи, Фармонда белгиланган талабларни ҳаётга жорий этишда ижро ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш бугуннинг муҳим талабидир.

Мамит АСҚАРОВ,
Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси.

"АДОЛАТ" СДП Ҳаётидан

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаб, ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Фракция аъзоси Собир Турсуновнинг фикрича, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг бағрикенглик, инсонпарварлик ва адолат ғояларига содиқлигини яна бир карра тасдиқлайди, Айбсизлик призидумпциясини ҳаётга жорий этишга хизмат қилади. Ушбу қонун лойиҳаси билан Жиноят-процессуал кодексига, Жиноят-ижроия кодексининг 166-моддасига ҳамда "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун нормаларига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини янада мустаҳкамланишини таъминлашга хизмат қилади.

Йиғилишда "Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатларнинг узоқ муддатли яхши қўшничилиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Лойиҳа юзасидан Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси Тоҳир Шаймановнинг маърузаси тингланди. Муҳокама давомида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан фикр алмашишди.

– ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, сиёсат, савдо-иқтисодиёт, илм-техника, таълим, энергетика, транспорт ва бошқа соҳаларда самарали ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади, – деди фракция аъзоси Зуҳра Ботирова. – Шунингдек, ушбу шартнома минтақавий тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш каби эзгу мақсадларни қамраб олган.

"Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протоколга (Нью-Йорк, 1989 йил 15 декабрь) қўшилиш ҳақида"ги Қонун лойиҳаси депутатлар муҳокамасида бўлди.

– Баённома мазмунан Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 31 августда қўшилган "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт" ҳамда "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир факультатив баённома" қоидаларидан келиб чиққан ҳамда ушбу Пактга қўшимча тариқасида қўлланилади, – деди маърузачи Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Абдуманноб Раҳимов. – Баённомага мувофиқ, иштирокчи давлат юрисдикцияси остида бўлган биронта шахс ўлим жазосига ҳукм қилинмайди. Эътироф этилишича, ушбу қонун лойиҳасининг тайёрланиши Президентимиз 2008 йил 1 майда чиқарган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармонида ҳам назарда тутилган. Ушбу ҳужжат ратификатция қилингач Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилинганини расман тан олади. Қонуннинг қабул қилиниши эса суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида қўйилган яна бир муҳим қадам ҳисобланади.

Йиғилишда шунингдек, "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Депутатлар қонун лойиҳаларининг долзарблигини алоҳида эътироф этгани ҳолда уларни концептуал нуқтаи назардан маъқулладилар ҳамда партия электорати манфаатларини инобатга олган ҳолда муҳокама этилган қонун лойиҳаларини янада такомиллаштириш лозимлиги ҳақида фикр ва тавсиялар берилиб, фракциянинг нуқтаи назарини белгилаб олишди.

Фарҳод ЭСОНОВ,
"Адолат" мухбири.
Ҳ.НОСИРОВ
олган суратлар.

САЙЁР ЙИҒИЛИШ МУҲОКАМАСИДА

Қарши шаҳрида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, шунингдек, вилоят, шаҳар, туман партия фаоллари ҳамда тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Дастлаб Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, фракция аъзоси Абдулла Абдуназаров "Электр энергетика соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи тизимнинг ҳолати ва муаммолари" мавзусида маъруза қилди.

У "Электр энергетикаси тўғрисида"ги Қонун лойиҳасининг аҳамияти хусусида батафсил тўхталар экан, – Ҳаётимизни электр-энергиясисиз тасаввур этиб бўлмайди, – дея таъкидлади. – Шу боис муҳокамага қўйилаётган қонун лойиҳаси халқимизнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган. Уни янада такомиллаштириш эса аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Шундан сўнг сўзга чиққан вилоят электр тармоқлари очиқ ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси Мансур Бўриев жумладан шундай деди:

– Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар туфайли ишлаб чиқариш ва саноат корхоналари, маиший хизмат муассасаларининг сони кун сайин ортиб бораётгани, шунингдек, аҳоли яшаш жойларининг кўпайиши эвазига электр энергияга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Биргина Қашқадарё вилояти мисолида оладиган бўлсак, 315 минг хонадонга ҳар кеча кундузда 15 миллион киловат соат электр энергия етказиб берилаяпти. Буни узлуксиз узатиш учун айни пайтда 167 та подстанция, 11 мингдан ортиқ трансформаторлар тўхтовсиз ишлаб турибди. Юзлаб соҳа ходимлари фидокорона меҳнат қилмоқда. Шундай экан электр энергиядан оқилона фойдаланиш, ундан ўзбошимчаларча ёки эътиборсизлик билан ҳуда-беҳуда ишлатмаслик лозимлиги тўғрисида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари мунтазам равишда ташкил этилса, кўзланган мақсадга эришиш осон кечади. Яна бир ташвишланарли ҳолни шу ўринда айтиб ўтмасак бўлмас. Истеъмолчиларнинг электр энергия ҳақини ўз вақтида тўламаётганликлари боис бир қатор муаммолар юзага келмоқда. Яъни, ишлатилган электр энергия ва хизмат ҳақи ўз вақтида келиб тушмаётгани янги, замонавий трансформаторлар ва бошқа асбоб-ускуналарни сотиб олиш ва уларни белгиланган жойга ўрнатишда қийинчиликни келтириб чиқармоқда. Бу эса ўз навбатида аҳоли ва хонадонларни электр энаргия билан узлуксиз таъминлаш имкониятига тўсиқ бўлаётир.

Ана шу муаммоларни эътиборга олиб янги таҳрирдаги Қонун лойиҳасига энергия ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун жавобгарлик масаласи киритилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Йиғилишда воҳада электр энергиясини ишлаб чиқариш, тақсимлаш, сотиш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ муаммолар, ютуқ ва камчиликлар, уларни бартараф этиш чоралари қизғин муҳокама этилди. Ўз навбатида янги қабул қилинаётган Қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозимлиги билдирилди.

Шунингдек, фракция аъзоларининг вилоятдаги партия фаоллари ва хайрихоҳлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Исмоил Саифназаров янги қабул қилинаётган қонунларнинг аҳамияти ва партия ташкилотларининг галдаги вазифалари тўғрисида сўз юритди.

– Биз ғоят масъулиятли, шу билан бирга шиддатли даврда яшаяпмиз, – деди нотиқ ўз сўзида. – Айниқса, Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилиниб, шу йил кучга кирган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда Сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун ҳар бир партия аъзоси зиммасига улкан вазифалар юкламоқда. Шундай экан, жойларда партия ғояларини тарғиб қилишда замонавий технологиялардан самарали фойдаланишимиз лозим. Бу ўз навбатида партиянинг етакчи сиёсий кучга айланишида муҳим аҳамият касб этади.

Учрашувда партия манфаати билан боғлиқ масалалар бўйича кўплаб мунозарали саволларга жавоб берилди.

Тадбир якунида партия ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Комил САХАТОВ,
"Адолат" мухбири.

Туман Кенгашида

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида сиёсий партияларнинг роли бугун анча жонланди. Энди улуғвор мақсад-вазифалар акс этган партия дастури билан халқ орасига дадил кириб бориш зарур.

САФИМИЗ КЕНГАЙМОҚДА

Сафларимизда элюрт ишига садоқатли, фидойи фуқаролар анчагина. Улар партиямизнинг жамият ҳаётидаги мавқеини кўтаришда ҳар томонлама иш олиб боришмоқда.

Айтиш жоизки, партия ташкилотимиз сафларини маънавий етук, ишбилармон, жонкуяр кадрлар билан мустаҳкамлашга эътибор қаратаяпмиз. Шунингдек, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиряпмиз.

Яқинда туманимиздаги "Пичоқчи" қишлоғида ташкил қилинган партиянинг Дастури ва вазифалари хусусидаги давра суҳбатимиз ҳам ана шундай тарғибот-ташвиқот ишларимизнинг узвий давоми бўлди. Тадбир иштирокчиларига партиямиз томонидан амалга оширилаётган ишлар, келгусидаги режалар бўйича атрофлича маълумот берилди. Қилинаётган ишлар самарасини аҳолининг партиямизга бўлган қизиқиши ва ишончи ошаётганлигидан англаш мумкин. Шу куни партиямиз сафи яна уч кишига ошди. Шу ернинг ўзида бошланғич партия ташкилоти тузилди. Эндиликда туман партия Кенгашимизда 19 та БПТ фаолият олиб боради.

Муқаддас АВЕЗМЕТОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Ҳазорасп тумани Кенгаш раисининг ўринбосари.

ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

фаолиятида бошланғич партия ташкилотларининг изчил ўрни бўлиши лозим. "Адолат" СДП фракциясининг Қарши шаҳрида бўлиб ўтган сайёр йиғилишида бу алоҳида таъкидланди

Партия Сиёсий Кенгаши раиси Исмоил Саифназаров бошқарган йиғилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 30 сентябрдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қарорини ижро этишда сиёсий партиялар, хусусан, "Адолат" СДПнинг тутадиган ўрни масаласига бағишланди.

Сайёр йиғилиш муҳокамаларида шаҳар, қишлоқ, маҳалла фуқаролари йиғинларида "Адолат" СДПнинг бошланғич ташкилотларини кўпроқ тузишга эришиш, партия электоратини кенгайтириш тўғрисидаги масала ҳам асосий ўрин эгаллади. Иштирокчилар фуқаролар йиғинларида партиянинг сиёсий таъсирини кучайтириш, бўлғуси сайловларда партиядошлар орасидан оқсоқоллар, уларнинг маслаҳатчилари ўрнини эгаллай олишга қодир ишчан, салоҳиятли кишилар номзодини кўпайтириш зарурлигига эътибор қаратдилар. Шунингдек, вилоятдаги бошланғич ташкилотларнинг партия дастурий мақсадларини амалга ошириш борасидаги фаолияти таҳлил этилар экан, улар билан маҳаллалар ўртасида узвий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ҳамда бу ҳамкорликни ҳар жиҳатдан жонлантириш зарурлиги қайд этилди. Таъкидландики, партиянинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига бўладиган сайловлардаги фаоллиги бошланғич бўғинлар ишини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда муҳим ўрин тутади.

Маҳаллалар жамият муаммоларини ҳал этишда етакчи куч. Шу боис, сайловларда кўрсатиладиган номзодларнинг ташкилотчилик лаёқати, ҳаётий тажрибаси, эл орасидаги обрўсининг муҳимлиги қайд этилди. Худди шу ўринда партиянинг қуйи бўғин фаоллари аҳоли ўртасида маҳалла институтининг ҳуқуқий асосларини кенг тарғиб қилиши зарурлигини таъкидланди. Шунингдек, айнан маҳаллаларда кенг шаклланган миллий-маънавий қадриятларни эъзозлаш, изчил тарғиб қилиш, анъана ва удумларимизни оммалаштиришда маҳалланинг ўрни беқиёслигини кишилар онгига етказиш зарурлиги айтилди.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Собир Турсунов шу ҳақдаги фикрларини билдирди.

– Кўпчилик фуқаролар мазкур сайловнинг ҳуқуқий негизини белгилаб берувчи "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонун моҳияти ҳақида етарлича тушунча ва ахборотга эга эмас, – деди у. – Дастлабки йилларда бу масала Конституциянинг 105-моддасида белгилаб берилган меъёрлар асосида ҳал этиларди. Бугунга келиб эса амалий тажрибалар ҳисобига бойитилган алоҳида қонун асосида тартибга солинувчи сайловлар ўтказилишини омма орасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш лозим.

Йиғилишда вилоят партия ташкилотлари ишидаги айрим масалаларга танқидий назар ташланди. Партия фаолиятини янада жонлантириш борасида қатор таклифлар билдирилди.

Сандолим АБДУРАҲМОНОВ,
"Адолат" мухбири.

ИШОНЧ – ЮКСАК МАРТАБА

Кучли фуқаролик жамияти сари

Ҳозирги вилоятимизнинг ҳар бир маҳалласида сайловга тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Хусусан, жойларда сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Комиссиялар алоҳида бино, замонавий компьютерлар, алоқа ва транспорт воситалари билан тўлиқ таъминланган.

Вилоятда айни пайтда 1447 та шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Саноқли кунлардан сўнг бошланадиган сайловни демократик, ошкоралик, холислик ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтказишни таъминлаш мақсадида махсус режа асосида шу кунгача Янгийўл, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарлари ва Бўка туманида Олий Мажлис Сенати, Республика "Маҳалла" жамғармаси, тегишли ташкилотлар ҳамда Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси ҳамкорликда шаҳар ва туман комиссиялари раислари иштирокида ўқув семинарлари ташкил этилди. Уларда сайлов давомида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгилаб олинди. Семинар-Кенгашлар жонли мулоқот ва савол-жавоб тарзида ташкил этилаётгани айниқса, яхши самара бермоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жойларда фуқаролардан тушаётган мурожаатлар аҳолининг бўлажак сайловга бефарқ эмаслигини ва унда фаол иштирок этиш иштиёқи баланд эканлигини кўрсатмоқда. Зеро, йиғинларнинг бўлғуси раислари ва маслаҳатчиларининг ишчанлиги, ташаббускор ва ташкилотчилиги, эл корига камарбаста инсон бўлиши энг аввало ана шу ҳудуд фуқаролари манфаати учун хизмат қилади. Бу эса аҳоли вакилларининг эртанги сайловда обрў-эътибор ва юксак ишонч қозонган номзодлар учун овоз беришларидан далолат беради.

Суяржон ҚУРБОНҚУЛОВ,
Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Тошкент вилояти комиссияси раиси ўринбосари.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРҒИБОТИ

Фарғона шаҳридаги ихтисослашган 2-умумтаълим мактабида «Биз соғлом турмуш тарзини танлаймиз» шиори остида ёшлар акцияси бўлиб ўтди.

Тадбир доирасида ёшлар томонидан тайёрланган гиёҳвандлик, жиноятчилик, ОИТС каби иллатларга қарши курашга бағишланган суратлар кўргазмалари, плакатлар, саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Ташкилотчиларнинг фикрича, бундай тадбирлар бевосита ўқувчилар иштирокидаги интерфаол ўйинлар, саҳналаштирилган томошалар шаклида ташкил этилса, тарғибот ишларининг самарадорлиги янада ортади.

Ўз мухбиримиз.

Ислоҳот одимлари

ИЗЛАНИШ САМАРА БЕРМОҚДА

Амударё. Ўз номига мос туман. Дарё ёқалаб ястанган ерлари – ҳосилнинг кони. Деҳқонлари танти. Жорий йилда туман аҳлининг фидокорона меҳнати, интилиши, изланиши самара берди.

Уйилган буғдой хирмони кўзланганидан кўра юксак бўлди. Олинган даромад чўғи – дилларда янги ниятлар уйғотди. Янги иншоотлар қад ростлади. Битта коллеж, битта академик лицей қуриб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, туманнинг чекка бир овулида янги ҚВП иш бошлаган бўлса, яна еттита ҳудудда Президентимизнинг шу йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари кўпайтиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида аҳоли чорва молларига омухта ем етказиб берувчи савдо шохобчаси қурилди. Яқинда қарорда таъкидлангандек, 2008 йил ҳосилидан олинган шрот ва шелуҳалар мазкур шохобчаларга келтирилиб, меъёрий нарх ва миқдорда сотила бошланди.

Дарвоқе, амударёлик деҳқонлар бу йилги пахта йиғим-теримини ҳам мамлакатимизда биринчи бўлиб уддалашди. Режа ортиғи билан бажарилди.

– Қорни тўқ, эгни бут, ташвишлардан холи одамгина янги ғоя, янги мақсад сари ўзида куч-ғайрат топади, – дейди туман ҳокими Ражаббой Йўлдошев. – Аввало, бундай имкониятга эришиш учун ишлаш, тинимсиз изланиш даркор. Аммо ишлашнинг ҳам ишлаши бор-да. Агар кишининг ҳар бир амалида тўғрилик, ҳалоллик дастур бўлса, режангиз бароридан келаверади. Ҳозир, энг аввало, аҳолининг ун, ўсимлик ёғи маҳсулотларига бўлган талабини таъминлашга эришаяпмиз. Шунингдек, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, туманда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга муҳим эътибор қаратилмоқда. Жумладан, янги артезиан-қудуқлар барпо қилиш учун зарур маблағ ажратилиб, бу йўналишда муайян ишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари, вояга етмаган ёшларга ғамхўрлик қилиш, соғлом муҳитда тарбия топишлари учун шароитлар яратиш мақсадида тумандаги 48 та мактабгача таълим муассасасининг моддий-техника аҳволини тубдан яхшилаш чоралари кўрилмоқда.

Саййид МУҲАММАДАЛИ,
"Адолат" мухбири.

ИШ СИФАТИ ВА УНУМИ

ошиб бораётгани юксак натижаларга эришишда муҳим ўрин тутмоқда

Пойтахтимиздаги "Даромад Мунира файз" масъулияти чекланган жамияти беш йилдан буён фаолият юритиб келаяпти. Даставвал тўрт мутахассис билан иш бошлаган бу жамоада айни пайтда 20 нафардан зиёд хотин-қизлар меҳнат қилишмоқда. Юртимиздаги корхона ва ташкилотларга махсус иш кийимлари етказиб бераётган бу корхонада Хитойдан келтирилган "JUITA" тикувчилик дастгоҳлари юқори унум билан ишлаяпти.

– Биз асосан Россия, Хитой, Туркиядан келтирилган ҳамда ўзимизда ишлаб чиқарилган хом ашёлардан фойдаланган ҳолда иш олиб бориб маҳсулотлар ишлаб чиқараётганимиз ишга унум ва самара бераяпти, – дейди корхона раҳбари Мунира Бойтуллаева.– Қувонарлиси, ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг сифатлилиги ва арзонлиги туфайли харидори мўл. Келгусида малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқариш қувватини оширишга асосий эътиборимизни қаратаяпмиз.

Суратларда: *корхона фаолиятидан лавҳалар.*

Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

Ишлаб чиқариш

ҚУМҚЎРҒОНЛИК ҚУРУВЧИЛАР

Сурхондарё вилоятида қурилиш иншоотлари ва биноларининг кўркам қад ростлашида Қумқўрғон туманидаги "Сурхонкомбинат" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти меҳнат жамоасининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

тайёрлаётган темир-бетон конструкциялари иншоотлар кўркамлигини таъминламоқда

Уй-жой қурилиши учун темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона йил давомида 8 минг 352 кубометр маҳсулот тайёрлаш қувватига эга.

– Биноларнинг тез ва сифатли қурилишида темир-бетон конструкциялари сифати алоҳида аҳамият касб этади, – дейди комбинат бош иқтисодчиси Бобохон Тўраев. – Шу боис маҳсулотларнинг ана шу жиҳатига эътибор қаратаяпмиз. "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўлининг қурилишида ҳам корхонамизда ишлаб чиқарилган темир-бетонлардан кенг фойдаланилди. Мазкур қурилишга 15 турдаги темир-бетон буюмлари етказиб бераяпмиз. Шунинг эвазига соф фойдамиз ҳам салмоқли бўлаяпти.

Комбинат қошида тегирмон ҳам ишлаб турибди. Бу ерда бир кеча-кундузда 40 тонна буғдойдан сифатли ун ишлаб чиқарилиб, халқимиз дастурхонига тортиқ қилинаяпти. Ҳозирги кунда унда 25 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда.

Ўтган йили 100 минг дона банка қадоқловчи цех, азбест цементли тўлқинсимон шифер ишлаб чиқарувчи шўъба корхонаси фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Натижада қўшимча 40 та янги иш ўрни яратилди.

Айни кунларда корхона "Олмалиқ тоғ кон металлургия" комбинатига қарашли "Хонжиза" табиий маъданларини қайта ишлаб берувчи фабрика қурилишига темир-бетон тунел, қувурлар, кўприк плиталари, йўл бўйларида ҳимоя воситаси учун ишлатиладиган бетон тўсиқлар, фундамент блоклари, тош ёпмалари плиталари тайёрлаб бермоқда.

Комбинатда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилардан Эргаш Туропов, Ўрол Ортиқов, Саид Бегматов, Мамаражаб Менглиев ва Олим Норпўлатовларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Дарвоқе, корхона жамоаси ўтаётган Ёшлар йилида вилоятнинг Термиз шаҳрида қад ростлаётган 32 хонадонли "Ёш келин-куёвлар" турар-жой биноси қурилишида ҳам бош-қош бўлмоқда.

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,
"Адолат" мухбири.

«УДДАБУРОН»ЛАР ПАНД ЕДИ

...Пойтахтимиздаги "Raddison SAS Tashkent" меҳмонхонаси савдо бари хизматчилари амалдаги қонунларга зид равишда мижозлар билан 500 АҚШ доллари миқдорида ҳисоб-китоб қилишган. Ваҳоланки, ҳисоб-китоб миллий валютамизда амалга оширилиши лозим эди. Боз устига, текширувда бошқа қонунбузилишлар ҳам кўзга ташланиб қолди. Масалан, меҳмонхона ғазначиси А.Аҳмедов нақд пул тушумининг 15766 сўмини назорат касса машинаси хотирасига киритмаганлиги аниқланди. Омборхонадаги ҳолат эса ҳаммасидан ўтиб тушди. Негаки, бу ерда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида четдан келтирилган ва республиканинг ўзида ишлаб чиқариладиган тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисида"ги қарори талабларига зид равишда 578 дона, жами 252 минг 928 сўмлик алкогол ичимликлар сақланаётгани фош бўлди.

Наҳотки, меҳмонхона ходимлари бу каби ҳатти-ҳаракатлар ноқонуний эканлигини билишмаса?! Нима бўлганда ҳам юртимизда ҳар қандай кўринишдаги ноқонуний фаолиятга чек қўйилиши тайин.

И.НАИМОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи.

Қинғир иш — келтирар ташвиш

ҲАЛОЛ ИШЛАШ ЎРНИГА...

Бугун тадбиркорликка кенг йўл очилиб, катта имкониятлар берилмоқда. Айниқса, бозорларда аудио-видеокассеталар ва лазер дискларга бўлган талаб-эҳтиёж ошиб бораяпти. Демак, фаолиятнинг бу тури билан шуғулланувчи тадбиркорлар сони ҳам ортмоқда. Лекин бундай қулай имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ҳалол ишлаш ўрнига қинғир йўлни танлаган сохта «тадбиркорлар» ҳам йўқ эмас.

Вилоятимизда аудио-видеокассеталар, лазер дисклар билан савдо қилиш ва ижарага бериш ҳуқуқига эга бўлган 36 та юридик шахс бўлиб, уларга қарашли 41 шохобча фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида улар фаолияти юзасидан 16 марта рейд ўтказилди, қатор қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди.

Фуқаро Акмал Жалилов бирор юмуш билан банд бўлиб, топган тўрт-беш сўмини яхши ниятлар билан харж қилсам, деган ниятда тадбиркорликка қўл урди. Ачинарли томони шундаки, у ишни яхши ниятда бошлагани билан ҳокимият ва солиқ органларида рўйхатдан ўтмасдан, ҳеч бир ҳужжатсиз аудио-видеокассеталар ва лазер дисклар савдоси билан шуғулланди. Оқибатда Навоий шаҳар марказий буюм бозорида 400 минг сўмлик ҳужжатсиз дискларни сотаётганида қўлга тушди.

"Делюке Слим" фирмасининг савдо дўкони сотувчиси Жамшид Абдиев ҳам ҳеч қандай кирим ҳужжатларисиз 210 дона DVD, CD дискларни сотувга чиқаргани рейд вақтида маълум бўлди. Бу ҳам етмагандек, сотувчи 8,7 минг сўм нақд пулни назорат касса машинаси хотирасига киритмаган. Ноқонуний сотувга чиқарилган дисклар ашёвий далил сифатида мусодара қилиниб, хусусий фирмага нисбатан Солиқ кодексининг 114- ва 119-моддалари билан 1 миллион 1 минг 800 сўмлик молиявий жарима қўлланилди.

Шаҳар ДСИ томонидан ўтказилган рейд жараёнида 3 та ҳолатда Вазирлар Маҳкамасининг 285-сонли қарори талаблари бузилгани маълум бўлди. Қонунбузарликлар натижасида 433 дона 913 минг 300 сўмлик DVD, CD дисклари шаҳар суди қарори билан мусодара қилинди. 2 ҳолатда нақд пулларни назорат касса машинасига кирим қилмаслик, ҳужжатсиз молларни сотувга чиқариш каби ноқонуний ҳаракатлар аниқланди. Жорий йилнинг 2 июль ҳолатига кўра, ўтказилган рейдлар натижасида вилоят бўйича 1053 дона аудио-видеокассета ва лазер дисклар савдодан олиб қўйилди.

Турли йўллар билан бозорларимизга кириб келаётган кассета ва дисклардаги ёзувлар бизнинг урф-одатларимизга тўғри келадими? Албатта, улар ичида кишиларни чалғитадиган, зўравонлик ва шармсизликни тарғиб қилаётганлари ҳам учрайди. Айнан шундай кассета ва дискларни сотувга чиқариб, мўмай даромад ортидан қуваётган кимсаларни эса маънавиятимиз қушандалари, дегинг келади.

О.ХАЙИРОВ,
Навоий вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи.

Шарҳ

Корея Халқ Демократик Республикаси президенти Ким Чен Ир бир неча ойдан буён кўриниш бермаётгани жаҳон ҳамжамиятини ҳайрат ва хавотирга солмоқда. Ҳайрат боиси – бу давлат раҳбарини айрим хорижий ахборот воситалари бир неча бор "вафот этган"га чиқарди. Аммо 67 ёшли давлат раҳбари маҳаллий телевидение орқали бўй кўрсатди. Хавотирга сабаб – президентнинг бу гал узоқ муддат кўринмагани эса мамлакатдаги ядро зарядлар кимнинг қўлига тушиши борасидаги хавотирларни юзага келтирди.

СИРЛИ ФАОЛИЯТ

Шимолий Корея президенти нега кўринмай қолди?

КХДР ҳарбий соҳани кучайтиришга жиддий эътибор қаратган. Мамлакат нафақат замонавий техникалар, балки ядровий қуролга эга эканлиги кўп таъкидлаб келинади. Аммо расмий Пхеньян ядровий тадқиқотлар фақат Шимолий Кореяда ишлаб чиқилган технологиялар ёрдамида амалга оширилганини маълум қилади ва синов якунлари, Корея яриморолида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилишини таъкидлайди. Мамлакат аҳолиси КХДР ўзини ҳимоя қилиш учун ядровий қуролга эга бўлишга ҳақли, деб ҳисоблайди. Шубҳасиз, бу ишларни амалга оширишда ҳал қилувчи роль ўйнаб келаётган Ким Чен Ирнинг тўсатдан кўринмай қолиши айрим муаммоларни келтириб чиқариши ҳам мумкин.

Ким Чен Ир шу йилнинг апрель ойидан буён оммавий ахборот воситаларида чиққани йўқ. Ҳатто, маҳаллий телевидение ходимлари томонидан тайёрланган президент акс этган видеолавҳалар ҳам ўз тасдиғини топмади. Шундай лавҳалардан бирида Ким Чен Ир ўрмонда жойлашган ҳарбий базага ташриф буюрган ва у ерда ҳарбийлар фаолияти билан танишади. Видеолавҳани атрофлича ўрганиб чиққан жанубий кореялик мутахассислар унинг кузда эмас, балки ёзда олинганини маълум қилишди. Бошқа бир хабарда эса, Ким Чен Ир мамлакатдаги футбол бўйича иккита олийгоҳ жамоаларининг ўйинини томоша қилиш учун стадионга келгани ёритилган. Бу лавҳани ўрганган чет эллик мутахассислар яна бир қизиқ маълумотни аниқлашга муваффақ бўлишди: унда давлат раҳбари ёнида бир неча йил олдин "ўлди"га чиқарилган Вазирлар Маҳкамасининг раиси Ен Хен Мукка ўхшаб кетадиган киши ҳам турарди. Бу, ўз навбатида, икки хил тахминни юзага келтиради: видео анча олдин олинган ёки лавҳадагиларнинг ҳар иккиси ҳам ҳали ҳаёт.

Бир қарашда шимолий кореяликлар давлат раҳбари Ким Чен Ир ҳақида кўп нарса биладигандек. Чунки энди тили чиқа бошлаган гўдакдан тортиб, қарияларгача уни «миллат қўёши», «мамлакат осмонида порлаган юлдуз», дея улуғлайди. КХДРнинг асосчиси Ким Ир Сеннинг фарзанди бўлган ҳозирги президент 1994 йили отаси вафотидан сўнг тарих саҳнасига чиққан эди. Меҳрибон отанинг солиҳ фарзанди сифатида у отаси ўлимига уч йил мотам тутди ва шу муддат мобайнида давлат раҳбари вазифасини бажарувчи бўлиб турди.

Ким Чен Ир камдан-кам ҳолларда хориж мамлакатларига сафар қилади. Ўн тўрт йиллик давлат бошқаруви мобайнида у саноқли давлатларга сафар қилган. Оддий фуқароларга ҳам ҳар доим буюк доҳийдан ибрат олиш тавсия этилади.

Корея Халқ Демократик Республикасида ҳукумат сўнгги марта авлоддан авлодга ўтиш йўли билан топширилганди. Шу сабабли эндиликда давлат раҳбарлигига асосий номзод сифатида Ким Чен Ирнинг уч нафар ўғли қаралади. Аммо мамлакатнинг етакчи лавозимларидаги амалдорлар Кимлар сулоласига мансуб бўлган йўлбошчиларга бўйсунишдан чарчаган, шу боис улар ҳукумат тепасига кутилмаган кишини чиқариши ҳам мумкин. Зеро, ҳокимият учун курашлар бошланиши эҳтимолдан холи эмас, дейишмоқда хорижий журналистлар. Бироқ кўплаб мамлакатларни мазкур давлатни ким бошқариши эмас, балки ҳозирги вазиятда ядро қуроли назорати кимнинг қўлига ўтиши қизиқтиради.

Умуман олганда, ҳаммаси жуда оддий бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Ким Чен Ир ичимдагини топ, дейдиганлардан. Эҳтимол, ҳозир у оммавий ахборот воситаларидаги турли хил тахминларга кулиб қараётгандир, балки халқаро ҳамжамиятнинг ўзига муносабатини бир синаб кўраётган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Яъни менсиз атом бомбаси назорати барбод бўлиши мумкин, деб огоҳ этмоқчидир.

Беҳбуд БОТИРОВ,
шарҳловчи.

КЎРПАГА ҚАРАБ ОЁҚ УЗАТИНГ!

Жаҳон Ёввойи табиат жамғармаси (WWF) ва Лондон Зоология жамияти (Global Footprint Network) ташкилоти томонидан янги ҳисобот эълон қилинди.

Тадқиқотда ёзилишича, дунё аҳолисининг тўртдан уч қисми сувни ҳаддан зиёд кўп ишлатиб, ҳавони булғамоқда ёки ўрмонларни кесиб, денгизлардаги балиқларни нобуд қилмоқда. Уларнинг ўрнини қоплаш тобора имконсиз бўлиб бораяпти. Масалан, пахтадан тайёрланган битта спорт майкаси учун 3 минг литр сув сарфланмоқда.

АҚШ билан Хитой табиий захираларни энг кўп сарфлаётган давлатлар сифатида тилга олинган. Табиий захиралардан энг кам фойдаланаётган мамлакатлар эса Афғонистон ва Малави республикалари қайд этилган.

Ёввойи табиат жамғармаси раҳбари Чиф Эмека Анайокунинг айтишича, сўнгги ойларда юз бераётган инқирозлар ҳар қандай соҳада ҳам "кўрпага қараб оёқ узатмаслик" салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан далолатдир.



ЖАРАЁН ЖУДА СУСТ

Халқаро Гаага трибунали Босния сербларининг собиқ раҳбари Радован Караджични суд жараёнини атайин чўзаётганликда айблаган.

Мазкур трибунал ҳаками Айан Бономи прокурорларни ҳам маҳкама жараёнига қониқарли тайёрланмаганини танқид остига олган. Маҳкамадан олдин ўтказиладиган дастлабки тинглов пайтида ҳакам Бономи Радован Караджичнинг жараён жуда тез ўтаётгани борасидаги шикоятини рад этди. Ҳакам маҳкама бошланган июль ойидан буён бирор тайинли силжиш бўлмаганини айтган.

Радован Караджич маҳкаманинг дастлабки кунида ҳимоячи хизматидан воз кечган, ўзини ўзи ҳимоя қилишини билдирганди. Айни пайтда эса у ўзига ҳуқуқий маслаҳат берадиган ҳуқуқшунослар гуруҳи йўқлигидан шикоят қилган.

Р.Караджич 1992-1995 йилларда бўлиб ўтган Босниядаги уруш пайтида инсониятга қарши жиноят содир этгани тўғрисидаги айбловларини рад этмоқда.

ПОКИСТОНДА ЗИЛЗИЛА

Покистон жануби-ғарбидаги Балужистон вилоятида зилзила рўй берди.

Қурбонлар сони 150 нафардан ошган. Бу ерда 29 октябрда Рихтер шкаласи бўйича 6,4 балли ер силкиниши юз берган эди. Зилзила юз берган ҳудудларга аскарлар ва самолётлар юборилган.

Покистонда 2005 йил октябрида ҳам кучли зилзила юз берган, ўшанда 73 мингдан зиёд инсон ҳалок бўлганди, қарийб 73 киши жароҳатланган эди.

УН ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА

Қирғизистон расмийлари Хитойдан келтирилган ун таркибида инсон саломатлиги учун зарарли меламин моддаси ва хавфли ҳашорат борлиги ҳақидаги хабарлар ҳозирча тасдиқланмаганлигини маълум қилишган.

Хитой уни таркибида меламин моддаси борлиги ҳақидаги хабарлар Қирғизистон матбуотида пайдо бўлганидан сўнг хавотирларга сабаб бўлганди.

Мамлакат қишлоқ хўжалик вазирлиги вакиллари ун таркибида меламин моддаси борлиги ҳозирча мутлақо гумон эканлигини айтган. Бишкекдаги Хитой элчихонаси расмий баёнотида Қирғизистонга импорт қилинган ун сифати ҳамма стандартларга мувофиқ эканлиги ва буни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам мавжудлиги билдирилган.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига



Тошкент куранти пойтахтимизнинг энг ҳуснкор миноралари дан бири саналади. Бу иншоот ортиқча безак талаб этмайди, қиёфаси эса ҳеч бир замонда эскирмаган. Ҳар чорак, ярим ва бир соатда занг уриб турадиган маҳобатли иншоотни пойтахтимизнинг рамзи, юрагига қиёслаш мумкин.

ҚИЁФАСИ ЎЗГАЧА

Курант меъморий иншооти дунёнинг саноқли давлатларидагина мавжуд. Хусусан, Буюк Британиядаги Биг-Бен ва бундан бир неча йил муқаддам Эронда барпо этилган курант соатлари мазкур мамлакатларнинг ўзига хос рамзи ҳисобланади. Улар орасида 1947 йил 30 апрелда бунёд этилган Тошкент куранти қурилиш тарихи, мустаҳкамлиги ва ўзига хос миллий услублари билан алоҳида ажралиб туради.

Шаҳар меъморий ансамблининг муҳим таркибий қисми бўлган Тошкент курантининг тарихи жуда қизиқ. 1947 йили Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалаба шарафига шаҳарнинг қоқ марказида ғалаба монументи қурилиши режалаштирилади. Ёдгорлик икки ой ичида қуриб битказилиб, ҳозирги курант жойлашган минора қад ростлайди. Ёдгорлик ўша йили Тошкентда барпо этилган Алишер Навоий номидаги театр биносининг меъморчилик услуби таъсирида ишланади. Аммо, ёдгорлик очилишига саноқли кунлар қолганида, қурилиш мутлақо бошқача кўриниш олади: ёдгорлик ўрнига курант бунёд этилади. Унинг меъмори А.Муҳамедшин, безак устаси Уста Ширин эди.

Маълум бўлишича, курант соати Германиядан олиб келинган. А.Айзенштейн, В.Солиҳов, Л.Маликов, А.Хицан, Г.Стрельцовлардан иборат соатсозлар бригадаси эса уни 4 циферблатли қилиб ўрнатишган. Улар орасида, айниқса, Айзенштейннинг ташаббусини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги бинолардан фойдаланиш департаменти бошлиғининг биринчи ўринбосари Темур Рахметовнинг айтишича, курант архитектура жиҳатидан жуда пишиқ ва мустаҳкам ишланган. Уни қуришда миллий меъморчилик ва амалий безак санъати анъаналари кенг қўлланилган.

– Ғозғон мармари билан қопланган ва жездан ишланган металл қисмлари ўзаро уйғунлашган меъморий иншоот 1948 ҳамда 1966 йилги ер силкинишларига бардош берди, – дейди Темур Рахметов. – Ҳар иккала зилзилада ҳам курант мустаҳкамлигини исботлаб, чиройини йўқотмади.

Тошкент курантининг баландлиги 28,7 метр. Ўлчови 4,1х4,1 метр бўлган миноранинг ичида махсус хона мавжуд бўлиб, унда соатни юргизадиган механизм жойлаштирилган. Бу ерга минора ичига ўрнатилган зинапоя орқали чиқиб борилади.

Ҳеч кузатганмисиз, одамлар Тошкент куранти олдига келганларида албатта унинг соатига бир қўр назар ташлайдилар. Унинг ҳар бир занги эса бизга тинч ва осойишта ҳаёт давом этаётганлигини эслатиб туради.

Ойбек БОЗОРОВ.

Президентимизнинг "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори узоқ тарихга эга бўлган пойтахтнинг бугуни ва эртасига бўлган эътиборни янада оширди. ЮНЕСКО томонидан эътироф этилган бу қутлуғ санани нишонлаш тинч ва фаровон ҳаёт кечираётган, жаҳон билан бўйлашаётган мустақил Ўзбекистон мавқеини янада кўтаради.

Спорт

МЕЗБОНЛИК КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

Осиё Олимпия Кенгашининг навбатдаги Конгрессида 2009 йили Таиландда якка кураш спорт турлари бўйича ўтказиладиган Осиё ўйинларидан миллий спортимиз – кураш ҳам жой олганлиги расман эълон қилинган эди. Жорий йилнинг 12-17 ноябрь кунлари эса Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўзбек кураши бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Шу билан бирга, Халқаро Кураш Ассоциациясининг навбатдаги Конгресси ва Ижроқўм йиғилиши ҳам ўтказилиши назарда тутилган. Шу ва бошқа масалалар юзасидан Халқаро Кураш Ассоциациясида оммавий ахборот воситалари иштирокида матбуот анжумани ташкил қилинди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, келгуси йили Осиё Олимпия Кенгаши томонидан Вьетнамда 3-Осиё ўйинлари ва Таиландда яккакураш спорт турлари бўйича Осиё чемпионати ўтказилади. Айни пайтда ҳар иккала мусобақани юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида қизғин тайёргарлик олиб борилмоқда.

Халқаро Кураш Ассоциациясининг берган маълумотига кўра, ҳозир дунёнинг 95 та давлатида кураш федерациялари фаолият олиб бормоқда. Бу кўрсаткич яқин орада 110 тага етиши мумкин. Чунки Хитой, Ироқ, Германия ва Таиланд мамлакатлари ХКАга аъзо бўлиш ниятида.

Дарҳақиқат, ўзбек кураши халқаро спорт майдонларига дадил кириб бормоқда. Истанбулда ўтказиладиган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 49 мамлакатдан вакиллар қатнашиши маълум. Бундан ташқари, яна 20 та хорижий давлат курашчилари ушбу мусобақада қатнашиш истагини билдиришган. Дарвоқе, Истанбулдаги мусобақа пайтида 2009 йилги катталар ўртасидаги жаҳон чемпонатига мезбонлик қиладиган мамлакат номи ҳам эълон қилинади. ХКА Котибиятининг маълумотига кўра, ҳозир ЖЧга мезбонлик қилиш учун Греция, Жанубий Африка Республикаси, Украина, Қозоғистон, Ҳиндистон ва Эрон кураш федерациялари даъвогарлик қилишмоқда.

Фарҳод ЭРКИНОВ,
"Адолат" мухбири.

Самарқандлик спортчилар Россия Федерациясининг Анапа шаҳрида бўлиб ўтган муай-тай бўйича жаҳон чемпионатидан мислсиз ғалаба билан қайтдилар. Қадим шаҳар вакиллари бу нуфузли мусобақада бир йўла саккизта – учта олтин, иккита кумуш ва учта бронза медалини қўлга киритдилар.

ВАТАНИ ТАИЛАНДДА, СОВРИНЛАР САМАРҚАНДДА

муай-тайнинг юртимиздаги ғолибона одимлари

Жаҳон биринчилигида ҳамюртимиз – Темур Жабборов, Анвар Бойназаров, Жавоҳир Аҳмаджонов ғолиблик шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олиб, олтин медаллар билан тақдирланган бўлишса, Номоз Муртазоев, Комил Мамедов кумуш, Бобир Тагиев, Рустам Равшанов ва Жаҳонгир Қамбаровларга эса бронза медаллари насиб этди.

Шуни алоҳида фахр билан таъкидлаш лозимки, самарқандлик спортчилар муай-тайнинг энг моҳир вакиллари сифатида жаҳон майдонларида аллақачон ном қозонишган. Ҳатто бу спорт турининг ватани бўлган Таиландда ҳам ўзбек ўғлонларининг иродаси-ю тезкорлигига, шиддат-у жасоратига кўп бор тан беришган.

– Ёшларимиз бу спорт тури билан 1998 йилдан буён шуғулланмоқдалар, – дейди муай-тай бўйича вилоят федерацияси президенти Фурқат Мўсинов. – Ҳозир турли клуб ва секцияларда 2400 нафар истеъдодли спортчи машғулот олиб бормоқда. Муҳими, жаҳон майдонларидаги ғалабалар, совринлар бизни дунёга танитаётганлигидагина эмас. Спорт туфайли ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга муваффақ бўлаяпмиз.

– Муай-тай менга дунёни кўрсатди, ўз кучимга ишонч ҳосил қилдирди, – дейди жаҳон чемпиони Анвар Бойназаров. – Турли қитъалардан дўстлар орттирдим. Шундай бахтга сазовор бўлишлари учун энди ўзим ҳам муносиб шогирдлар тайёрламоқчиман.

Кези келганда шуни таъкидлаш керакки, муай-тайнинг оммавийлигини таъминлашда ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг вилоят бўлими, "Ургут яшил олтини", "Ноҳид" ва "Боғизоғон" корхоналари ҳомийлик ёрдамларини аяшмаяпти. Бу эса спорт Самарқандда кенг жамоатчиликнинг эътиборидаги соҳа эканлигидан далолатдир.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
"Адолат" мухбири.

Миннатдорчилик

СЕРИГУЛ ОПАНИНГ БАХТИ

– Сиз ота бўлдингиз!

Республика акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтининг Нукус филиалида ҳар куни ўнлаб шундай хушхабар янграйди. Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими, фан номзоди Серигул Бозорова раҳбарлигида бу жамоа эл соғлиғини сақлашга муҳим ҳисса қўшиб келмоқда.

Ёшлар йилининг ўтган даврида тиббиёт масканида 5 минг 538 нафар чақалоқ дунёга келди. 11 минг нафардан зиёд ота-онага қувонч улашилди. Осиё Тараққиёт банки гранти бўйича олинган замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган мазкур муассасада Ўзбекистон Қаҳрамони Аниса Саитова, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими Дамахон Сарсенбоева, Тамара Қаипберганова, Роза Қайипова, Бибигул Абдурасулова каби қўли енгил, ширин сўзли шифокорлардан доимо миннатдормиз. Ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан эл дуосига мушарраф бўлаётган бу мутахассисларнинг қўли асло дард кўрмасин, деймиз. Улар тажрибали доя Серигул Бозорова билан биргаликда ёш ота-оналарга доимо қувонч улашаверишсин.

Бибиноз БОЛТАБОЕВА,
ёш она.

Суратда: *Серигул Бозорованинг (ўнгда) бахтли лаҳзалари.*

ФИКР УЛҒАЙТИРАДИ

Кўнгилда кечган ўйлар

• Ёлғон гапиришни ҳамма ёмон кўради, лекин сира ёлғон гапирмасликнинг иложини топган одамни учратиш душвор.

• Хаёлан фазоларда сузиб юрган одамнинг мол-дунёси бўлмайди, чунки унда моддий неъматдан кўра ўй-фикр кўп.

• Тушуниш қийин бўлган одамда фақат икки жиҳатни кўриш мумкин: у ё муғомбир, ё бефаҳм.

• Жаҳл билан жаҳднинг фарқи шундаки, бири тубанликка етакласа, бири кўзланган мақсад сари яқинлаштиради.

• Нимага эришолмадим деб эмас, балки нимани қилолмадим деб қайғуриш ҳам ноёб фазилат.

• Мени писанд қилмайдиганлар жуда кўп, аммо мен ҳурмат қилмайдиганлар ҳам йўқ эмас.

• Суст иймонлилар иймон ҳақида ваъз айтсалар, билдимки, ҳали маънавиятга путур етказувчилар бор.

Мурод ДИЛ.

Истеъдодли шоир Сирожиддин Саййид билан илк бор учрашганимизда у ҳали талаба эди. Сочлари (ўша пайтдаги урфга мос) елкасига тушган, бўйдойранг, баланд бўйли, қотма йигитча хушчақчақ кўришиб: "Сизга Абдулла ака "оқ йўл" тилаганда, биз ўқиб ҳавас қилган эдик", дея гап бошлади. Суҳбатимиз қисқа, бироқ самимий кечди...

Мана, ўшандан буён қанча сувлар оқиб ўтди. Мен олтмишга қараб кетаяпман, Сирожиддин эллигинчи баҳорни қаршилаётир. Қай биримизнинг туркум шеърларимиз газета-журналларда ёритилса қутлашдик, янги китобларимиз чоп этилса хурсанд бўлдик, ижодий суҳбатлар қурдик.

СОҲИР ТУЙҒУЛАР КУЙЧИСИ

Сирожиддиннинг "Руҳим харитаси" номли биринчи китоби 1985 йили чоп этилган. Шундан сўнг бирин-кетин "Салқин харсанглар кафтида", "Севги мамлакати", "Асрагил", "Куйдим", "Ватанни ўрганиш", "Ватан абадий", "Устимиздан ўтган ойлар", "Кўксимдаги зангорларим", "Қалдирғочларга бер айвонларингни", "Дил фасли" сингари шеърий, "Меҳр қолур, муҳаббат қолур", "Яшасин ёмғирлар" бадиалар, хотира-суҳбатлар тўпламлари – йигирмага яқин китоби ўқувчилар қўлига етиб борди. Ижодий меҳнатлари муносиб тақдирланди: дастлаб "Дўстлик" орденига, сўнг "Ўзбекистон халқ шоири" унвонига сазовор бўлди.

Сирожиддин Саййид ижодида лиризм билан публицистик руҳ уйғун. Шу боис, шоир Ватаннинг гуллаб турган бўстонини ҳам, шўр босган тупроғини ҳам ҳис-ҳаяжон билан куйлайди. Зотан, ижодкор қалбида она юртига, миллатига улкан меҳр, оқибат бўлмаса бир сатр ҳам самимий шеър ёзолмайди. Сирожиддиннинг Ватан ҳақидаги шеърларида фахру ғурур балқиб, муҳаббати камалакдек товланиб туради.

Дил пораси, кўз қораси
сен ўзингдирсан,
Менинг кўнглим сен аслида
сен кўзимдирсан.
Томиримда томир ёйган
илк сўзимдирсан,
Илк оғриғим, илк ёмғирим,
найсоним, Ватан.

Ушбу мисралардан кўриниб турибдики, шоир оҳори тўкилмаган ташбеҳлар, ўхшатишлар, янги поэтик образлар топишга эришган. Зотан, бадиий сўз сеҳри мана шундай янги кашфлардан ярқ этиб жилоланади.

Сирожиддин Саййиднинг "Яшасин ёмғирлар" китобига кирган "Асил дунё бўлган "Аксил дунёлар" сарлавҳали бадиаси машҳур рус шоири Андрей Воснесенский ҳақида. Бадианинг шакли ўзига хос: муаллиф ўзи билан суҳбат қуради, хаёллари, кўрган манзараларини жонлантиради. Бадиага сингдирилган Вознесенский билан Переделкинодаги суҳбат, бетакрор "Оза", "Ҳандақ", "Мангу ризқ" достонлари ўқувчини ҳаяжонга солади. Китобхон Вознесенскийни янада яқинроқдан таниш баробарида бу улкан шоирнинг Алишер Навоий, Борис Пастернак, Нозим Ҳикмат, Гарсиа Лорка сингари буюк санъаткорларга эҳтиромини теран ҳис этади.

Сирожиддин Саййид суюкли устози А.Вознесенский ҳақида бадиа ёзибгина қолмай, айни пайтда шоир асарларини она тилимизга моҳирона таржима қилиб келаётир. Унинг таржимасида атоқли рус шоирининг "Мангу ризқ" номли шеърлар китоби аллақачон ўқувчилар қўлига тегди. "Ўн тўрт ёшимда эдим" ва "Лорка лолалари" каби насрий асарлари ҳам китоб ҳолда нашр этилди. Умуман, бадиий таржима Сирожиддин Саййид ижодининг алоҳида саҳифасини ташкил этади. Чунончи, Ҳофиз Шерозий, Румий сингари улуғ бобокалонларимизнинг ижодиётидан намуналарни унинг таржимасида ўқиб, Шарқнинг мумтоз адабиёти дурдоналаридан баҳраманд бўлиб келаётирмиз.

Соҳир туйғулар куйчиси Сирожиддин Саййиднинг бир қанча шеър ва ғазаллари таниқли ҳофизлар ижросида куйланиб келинаяпти. Зеро, ўйноқи, сержилва оҳангларга бой шоир мисралари миллий мусиқага уйғун тарзда қўшиқ санъати шайдолари қалбидан жой топаётир.

Умр баҳорининг эллигинчи довонидан ғайрат ва илҳом билан ошиб ўтаётган таниқли шоиримизни Ватан меҳри, шукуҳли сўз сеҳри ҳеч қачон тарк этмаслигини тилаб қоламиз.

Турсун АЛИ.

Омон МУХТОР

ҒАРОЙИБ ОИЛА

Ҳикоя

Бизда хотинлар ўз эрлари тўғрисида мақтаниб қанча кўп гапиришса, эрлар ўз хотинлари тўғрисида одоб юзасидан шунча оғиз очмасликка ҳаракат қилишади. Кибриё опа бир гал мени ҳеч мақтамайсиз, деганида Қаҳҳор домла хотин бозорга олиб чиқадиган мато эмаски, уни мақтасанг, деган экан. Бир дўстимиз сафардан қайтаётган пайт уйга хабар бермайсизми, дейишганида хотин меники, қачон кириб бормай, кутиб олиши керак, деган эди. Биров "хотиним яхши" ёки "у ақлли" ёки "у чиройли", деса бошқа кишида ҳавас уйғонишининг ўзидан ҳаё пардаси йиртила бошлагандек туюлади.

Бунинг бари ҳаётда бор, кеча-кундуздек аён ҳолат! Лекин бунинг бари – ҳатто вақтида жаҳолат чўққисига миниб хотинларни паранжида (қафасга солган каби) сақлашгача – аслида, эркаклар хотинларни назорат қилолмай қолишдан қўрқишганидан келиб чиқмаганмикан?! Эркаклар бутун тарих бўйи шеърлар, тасвирлар, турфа оҳангларда Аёлни зўр бериб улуғлашгани ҳам балки, хотинларни амаллаб – "алдаб тинчитиш" ҳаракатидан келиб чиққандир?! Бунинг бари эрлар ўз хотинлари қандай "ҳунар кўрсатиши" мумкинлигини тасаввур қилмаганию бирга яшаб юриб, хотинини билмаганидан келиб чиққан бўлиши ҳам мумкин!

Холбек бу гапларни умрида ақалли бирон марта хаёлидан кечирмаган эди.

У хотинини яхши кўрарди. Улар аҳил яшар ва бундан сўнг ҳам ҳаёт шундай давом этиши муқаррар эди.

Холбекка хотини содда эканлиги, ростми-ёлғон ҳар ғапга ишонавериши айниқса ёқар эди. Албатта, ёлғон гапирмас, хотинини алдамасди. Аммо баъзан ҳазиллашар ва Роҳила "чоки сўкилиб ётган" гапга паққос ишонгани унга завқ-шавқ бағишлар эди. Қисқаси, шунчаки кулиб, ўзича роҳатланиб юрарди.

Бир гал Холбек кўчада тутилганида Роҳилага иш чиқиб қолди, деб тўғрисини айтса бўлар эди-ку, ҳазиллашгиси келиб:

– Жонибеков, Шарипов бошлиқ космонавтлар кўчада тутиб олиб, ҳеч қўйишмади, – деди.

– Сиз билан улар танишми? – деб секин сўради Роҳила.

– Эски оғайниларим! Космонавтликка ўқишга бораётган эдим, сенга уйлангач, ҳаммаси қолиб кетди.

– Кечирасиз. Билсам, кутардим, – деди ўйланиб Роҳила.

Яна бир гал Холбек ҳазиллашди:

– Мажлисдан келаяпман. Ишлар зўр! Заводда мен қилган бир ихтирони чет элга олиб кетишган экан, Нобель мукофотига тавсия қилишибди.

– Қачон берар экан? – деб қизиқсинди Роҳила.

– Бериб қолар. Лекин сен кўз тикма! Бугун мажлиснинг ўзидаёқ мукофот етим-есирлару муҳтож кишилар орасида тенг тақсимлансин, деб ариза ёздим.

– Яхши қилибсиз! – деди Роҳила чуқур хўрсиниб. – Биз ҳар ҳолда яшаяпмиз. Бошқалар ҳам яшасин!

Холбек бу ҳазилларни гоҳ давом эттириб, гоҳ янгиларини топиб олдингисига қўшиб юрган эди, бир куни эртароқ ишдан келиб эшик ярим очиқ эканлигини кўрди. Ичкари кириб қараса, хотини ошхонада икки дугонаси билан гаплашиб ўтирибди. Буниси майли. Роҳиланинг айтган гапини баралла эшитди:

– Эрим яхши. Лекин қизиқ бир феъли бор. Калласига ҳар хил гап келади. Кейин, ўзининг тўқиганига ўзи ишониб, суюниб юради...

Холбек йигирма йил хотини билан бирга яшаб, уни билмаган экан!

Йўлакка чекиниб, эшикни қайтиб ёпди. Кўнгироқ тугмачасини босди.

Бу гапни эшитганини Роҳила сезмагани маъқул!

Ўқинг, бу – қизиқ!

ИСТИҚБОЛЛИ ҚУРИЛМА

Илк музлаткич қурилмалари XVIII асрнинг ўрталаридаёқ Франция ва Англияда яратилган. Аммо бир асрдан кейингина тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш билан боғлиқ муаммони ҳал этиш мақсадида совутгичларни саноат усулида тайёрлаш йўлга қўйилган.

XIX аср охирларида Лондоннинг марказий бозори бир тоннага қадар гўшт сиғадиган улкан музлаткич ертўлаларга эга бўлган. Англияга Австралия ва Америкадан махсус рефрижератор – совутгичларда музлатилган гўшт келтирилган.

1877 йили илк бор Аргентинадан Францияга музлатилган гўшт олиб келиш амалга оширилган. Ўша даврдан темир йўлда тез бузилувчи маҳсулотларни ташиш учун махсус музлаткич вагонлар қурила бошланган.

САМОВАР ТАРИХИДАН

Қадимги Римнинг машҳур нотиғи Марк Цицерон Хрисогон исмли римлик амалдорнинг уйида усталар ясаган кўплаб идишлар ҳақида ёзган эди. Улар орасидаги буюмлардан бири самовар бўлган.

Тўғри, миллоддан кўп йиллар бурун ясалган самоварлар шакл жиҳатидаги ҳозирги самоварлардан анчагина фарқ қилган. Италиянинг Поленей шаҳрида ўтказилган қазилмалар чоғида кўзани эслатувчи самовар топилган. Унинг ичида варанкасимон мослама бўлиб, ингичка ғомони идишнинг ёнидан чиқиб турган. Худди шу жойдан ўт ёқилган. Бироқ бу идишнинг жўмраги бўлмаган. Қолаверса, ўтхонаси ичкари томондан асосий танаси билан қўшиб ишлашганки, бу жиҳатдан у ҳатто ҳақиқий самовардан афзал бўлган.

ADOLAT
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ
www.adolat.uz

Бош муҳаррир
Холтўра ШАФОАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона – 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият – 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими – 236-55-64

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир ҳайъати
Исмоил САИФНАЗАРОВ, Алишер МЎМИНОВ, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Жовдатхон ИНОҒОМОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Иқбол МИРЗО, Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳаммад АЛИ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Светлана ОРТИҚОВА, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Таҳлат МУРОДОВ.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди
• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t – Тижорат мақолалар белгиси.
Нашр индекси – 100
Навбатчи муҳаррир – Саидолим АБДУРАҲМОНОВ
Навбатчи – Фарҳод ЭСОНОВ
Саҳифаловчи – Собиржон ТУНҒАТОВ

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г – 900. Ҳажми – 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади – 1808. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 01.45 1 2 3 4 6